

РАСМИЙ МУНОСАБАТ



Олтинсой тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати фейсбук фойдаланувчиси Рустамбек Тоғаев томонидан "Мутасаддилардан қуйидаги ҳолатга эътибор қаратишларини сўраймиз" номли тумандаги Вахшивор маданият уйи ҳақида чиқарилган танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни аниқлади:

1. Ҳақиқатдан ҳам ушбу бино кўп йиллик фойдалнишдаги капитал таъмирсиз ҳолатда эканлиги, жорий таъмирлаш билан бинонинг аҳоли яхшиланмаслиги маълум бўлди.
2. Туман мутасадди раҳбарларининг бу бинони аҳолини яхшилаш бўйича бир неча бор вилоят ва республика миқёсида тегишли идораларга мурожаат қилганликлари, оқибатда ҳеч қандай чора кўрилмасдан келаётганлиги аниқланди.
3. Бугунги кунда ушбу ҳолат бўйича Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш Баённомасига тегишли қайдлар киритилган бўлиб, ўлчов-смета ҳужжатлари тузилмоқда. Лойиҳачилар келишиб, ҳаражатлар сметаси тузилмоқда.

Ушбу бино туман маданият ўчоқларидан бири ҳисобланиши, санъатимизнинг юзи ҳисобланган фольклор йўналишининг манбаларидан бири эканлигини англаган ҳолда иложи борича 2023-йил дастурларидан бирига киритиб, янгилик қилинишини маълум қиламиз!